



THE EXPERIENCE OF FOREIGN COUNTRIES IN RESOLVING CASES RELATED TO ADMINISTRATIVE COURTS

Dilshod Baxramovich Axmedov

Head of department of the General prosecutor's office of the Republic of Uzbekistan, independent researcher

E-mail: axmedov.d@gmail.com

Tashkent, Uzbekistan

ABOUT ARTICLE

Key words: administrative court, jurisdictional allocation, judicial review, legal protection, public-law disputes, Constitution, comparative analysis, Russian, Kazakh, Armenian, German practice, legislation of Uzbekistan.

Received: 19.10.25

Accepted: 20.10.25

Published: 21.10.25

Abstract: The article analyzes the constitutional guarantees of judicial protection of rights and freedoms in the Republic of Uzbekistan and demonstrates the significance of the institution of jurisdictional allocation in administrative proceedings. Using the experiences of Russia, Kazakhstan, Armenia, Germany it comparatively examines the scope of cases falling within administrative courts' jurisdiction, dispute-resolution procedures, and the effectiveness of judicial review. The study explores issues in delineating jurisdiction between administrative and civil cases and controversies within the realm of public-law disputes.

It proposes recommendations to remedy certain gaps in national legislation and to improve the performance of administrative courts. Drawing on foreign practice, the article highlights current priorities for expanding judicial review in Uzbekistan, ensuring effective protection of citizens' rights and legitimate interests, and promoting legality and transparency in public administration.

МАЪМУРИЙ СУДГА ТААЛЛУҚЛИ ИШЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ БЎЙИЧА ХОРИЖИЙ ДАВЛАТЛАР ТАЖРИБАСИ

Дилшод Бахрамович Ахмедов

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси

бошқарма бошлиғи, мустақил изланувчи

E-mail: axmedov.d@gmail.com

МАҚОЛА ҲАҚИДА

Калит сўзлар: Маъмурий суд, тааллуқлилиқ институти, суд назорати, ҳуқуқий ҳимоя, оммавий-ҳуқуқий низолар, Конституция, қиёсий таҳлил, Россия тажрибаси, Қозоғистон тажрибаси, Арманистон тажрибаси, Германия тажрибаси, Ўзбекистон қонунчилиги.

Аннотация: Мақолада Ўзбекистон Республикаси Конституциясида белгиланган суд орқали ҳуқуқий ҳимоя қилиш кафолатлари таҳлил қилинган ҳамда маъмурий суд ишларини юритишда тааллуқлилиқ институтининг аҳамияти кўрсатиб берилган. Хусусан, Россия Федерацияси, Қозоғистон, Арманистон, Германия тажрибалари мисолида маъмурий суд юрисдикциясига оид ишлар доираси, низоларни ҳал этиш тартиблари ҳамда суд назоратининг самарадорлиги қиёсий ўрганилган. Тадқиқотда маъмурий ва фуқаролик ишлари ўртасидаги тааллуқлилиқ муаммолари, оммавий-ҳуқуқий низолар доирасидаги мунозарали ҳолатлар таҳлил қилинган. Шунингдек, миллий қонунчиликдаги айрим ҳуқуқий бўшлиқларни бартараф этиш ва маъмурий суд фаолиятини такомиллаштириш юзасидан таклиф ва тавсиялар илгари сурилган. Мақолада хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш орқали Ўзбекистонда суд назоратини кенгайтириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини самарали ҳимоя қилиш ҳамда давлат бошқарувида қонунийлик ва шаффофликни таъминлашнинг долзарб масалалари ёритилган.

**ОПЫТ ЗАРУБЕЖНЫХ ГОСУДАРСТВ ПО РАССМОТРЕНИЮ ДЕЛ,
ОТНОСЯЩИХСЯ К АДМИНИСТРАТИВНОМУ СУДУ**

Дилишод Бахрамович Ахмедов

Начальник управления

Генеральной прокуратуры Республики Узбекистан, независимый исследователь

E-mail: axmedov.d@gmail.com

Ташкент, Узбекистан

О СТАТЬЕ

Ключевые	слова:	Аннотация:	В	статье
административный суд, институт подведомственности (подсудности), судебный контроль, правовая защита, публично-правовые споры, Конституция, сравнительный анализ, опыт России,		анализируются гарантии судебной защиты прав и свобод, закреплённые в Конституции Республики Узбекистан, а также показано значение института подведомственности (подсудности) в административном судопроизводстве. На		

Казахстана, Армении, Германии, законодательство Узбекистана.

примере опыта России, Казахстана, Армении, Германии сопоставительно изучены круг дел, относящихся к юрисдикции административных судов, порядок разрешения споров и эффективность судебного контроля. Исследуются проблемы разграничения подведомственности между административными и гражданскими делами и спорные ситуации в сфере публично-правовых споров.

Предлагаются рекомендации по устранению отдельных пробелов национального законодательства и совершенствованию деятельности административных судов. На основе зарубежного опыта раскрываются актуальные задачи по расширению судебного контроля в Узбекистане, эффективной защите прав и законных интересов граждан, а также обеспечению законности и прозрачности в государственном управлении.

Кириш. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 55-моддасига кўра, ҳар кимга ўз ҳуқуқ ва эркинликларини суд орқали ҳимоя қилиш, давлат органларининг ҳамда бошқа ташкилотларнинг, улар мансабдор шахсларининг қонунга ҳилоф қарорлари, ҳаракатлари ва ҳаракатсизлиги устидан судга шикоят қилиш ҳуқуқи кафолатланади.

Конституцияда бевосита ҳуқуқий ҳимояга бўлган ҳуқуқ фақат суд орқали давлат ёрдамидан олиш имконияти билан чекламайди. Давлат суд орқали моддий-ҳуқуқий низоларни ҳал қилиш ва қонун талабларига мувофиқ равишда мажбурий чоралар қўллашга ёрдам бериш билан бирга, шахсларга ўз ҳуқуқий ҳимоясини тўғри амалга ошириш имкониятини ҳам яратиб беради.

Суд орқали ҳуқуқий ҳимояни амалга ошириш механизмнинг тўғри ишлашини тўсувчи омиллардан бири бу – тааллуқлилиқ институтининг тартибга солинишидаги баъзи бир муаммоларнинг вужудга келишидир. Ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишда манфаатдор субъектлар муаммоларининг қайси юридик органга тааллуқли эканлигини аниқлай олишмаса, ҳуқуқий муаммосини тез ва қонуний ҳал қилишда имкониятидан маҳрум бўлиши мумкин.

Маъмурий судга тааллуқлилиқ институтини такомиллаштиришда қонунчиликдаги бўшлиқларни бартараф этишда хорижий давлатлар тажрибасини ўрганиш ўзининг ижобий жиҳатларини кўрсатади.

Адабиётлар таҳлили. А.А.Соловьёв, К.О.Огнева ўз тадқиқотларида «қамокда сақлаш ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланиш шартлари бузилганлиги учун компенсация тўғрисидаги ишлар, кадастр қийматини аниқлаш натижалари бўйича низолар, солиқ органининг жисмоний шахсларга қаратилган талаблари, фуқарони стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасасига мажбурий равишда госпитализация қилиш, муддатни узайтириш ёки мажбурий психиатрия текширувидан ўтказиш, фуқарони туберкулёзга қарши тиббиёт муассасасига мажбурий госпитализация қилиш, бошқа тиббиёт муассасаларига мажбурий госпитализация қилиш тўғрисидаги ишлар аввал фуқаролик ишлари тартибида кўриб чиқилгани, кейинчалик бу низолар маъмурий суд иш юритуви тартибида низо ҳал этилаётганлигини кўрсатади» [2].

Шунингдек, Н.Қ.Янгибоев, З.А.Хурсанова тадқиқотларида Германия Асосий қонунининг 95-моддаси ҳам маъмурий судлов тармоғи мавжудлигини кўрсатиб, Федерал маъмурий суд (Bundesverwaltungsgericht)ни бутун мамлакат учун олий маъмурий суд сифатида ташкил этишни талаб қилади.

Тадқиқот ва натижалар:

Россия Федерация (кейинги ўринларда РФ). РФнинг 2015 йил 8 мартдаги Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодекснинг 17-моддасига асосан РФ маъмурий судлари қуйидаги ишларни кўриб чиқади, яъни «Россия Федерацияси Олий Суди, умумий юрисдикция судлари ва маҳалла (мировой) судьялари фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий ишлар, шунингдек, давлат ёки бошқа оммавий ваколатларнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан суд назоратини амалга ошириш билан боғлиқ маъмурий ёки бошқа оммавий ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган бошқа маъмурий ишлар кўриб чиқади ва уларни ҳал этади» [1].

Юқоридаги кодексга асосан маъмурий судлар белгиланган тартибда ўз ваколатига кирувчи маъмурий ишларни кўриб чиқади ва уларни ҳал этади. Маъмурий судга қуйидаги ишлар тааллуқли ҳисобланади:

1.1. норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни тўлиқ ёки қисман ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар;

- қонунчиликка шарҳ берувчи ва норматив хусусиятга эга актларни баҳолаш тўғрисидаги ишлар;

- давлат ҳокимияти органлари, бошқа давлат органлари, ҳарбий бошқарув органлари, маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари, мансабдор шахслар, давлат ва муниципал хизматчиларнинг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги)ни баҳолаш;

- қамокда сақлаш ва жазони ижро этиш муассасаларида сақланиш шартлари бузилганлиги учун компенсация тўғрисидаги ишлар;

- айрим давлат ёки бошқа оммавий ваколатлар берилган нотижорат ташкилотлар, жумладан ўзини ўзи тартибга солувчи ташкилотларнинг қарорлари ва ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш;

- судьялар малака ҳайъатлари қарорлари ва ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш;

- судья лавозимига квалификация имтиҳонини қабул қилувчи Олий имтиҳон комиссияси ва Россия Федерацияси субъектлари имтиҳон комиссиялари қарорлари ва ҳаракатларини (ҳаракатсизлигини) баҳолаш;

- Россия Федерацияси фуқароларининг сайлов ҳуқуқлари ва референдумда иштирок этиш ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар;

- умумий юрисдикция судлари томонидан кўриб чиқиладиган ишлар юзасидан оқилона муддатларда судлов ҳуқуқи бузилганлиги ёки умумий юрисдикция суди ҳужжатларининг оқилона муддатларда ижро этилмаганлиги учун компенсация тўғрисидаги ишлар.

Шу билан бирга Кодекснинг 2-моддасида судлар белгиланган тартибда мажбурий суд назорати доирасида шахс ва фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, ташкилотлар ҳуқуқлари амалга оширилишида айрим маъмурий ваколатларнинг қонунийлигини таъминлаш билан боғлиқ ишларни ҳал этади, жумладан:

сиёсий партия, унинг ҳудудий бўлинмаси ёки бошқа тузилмавий бўлинмаси, бошқа жамоат бирлашмаси, диний ва бошқа нотижорат ташкилотини фаолиятини тўхтатиш ёки тугатиш, юридик шахс ҳисобланмаган жамоат бирлашмалари ва диний ташкилотлар фаолиятини тақиқлаш ҳамда нотижорат ташкилот ҳақидаги маълумотларни давлат рўйхатидан чиқариш;

оммавий ахборот воситаси фаолиятини тўхтатиш;

2.1) аудиовизуал сервисга киришни чеклаш;

2.2) ахборот-телекоммуникация тармоқларида, жумладан Интернет тармоғида жойлаштирилган маълумотларни Россия Федерациясида тарқатилиши тақиқланган ахборот деб топиш;

2.3) ахборот материалларини экстремистик деб топиш;

2.4) Интернет тармоғида фойдаланувчилар электрон хабарларини қабул қилиш, узатиш, етказиш ва (ёки) қайта ишлаш учун мўлжалланган, тарқатишни ташкил этувчи шахс томонидан таъминланадиган ахборот тизимлари ва (ёки) электрон ҳисоблаш машиналари дастурларига киришни чеклаш;

жисмоний шахслардан қонун билан белгиланган мажбурий тўловлар ва санкциялар ундириш;

депортация ёки реадмиссияга тортилган хорижий фуқаролар ёки фуқаролиги бўлмаган шахсларни махсус муассасага жойлаштириш ва уларнинг у ерда қолиш муддатини узайтириш;

маъмурий назоратни белгилаш, узайтириш, муддатидан олдин бекор қилиш ёки қисман ўзгартириш тўғрисидаги ишлар (жазо муддати тугаган шахсларга нисбатан);

фуқарони стационар шароитда психиатрия ёрдами кўрсатувчи тиббиёт муассасасига мажбурий равишда госпитализация қилиш, муддатни узайтириш ёки мажбурий психиатрия текширувидан ўтказиш;

фуқарони туберкулёзга қарши тиббиёт муассасасига мажбурий госпитализация қилиш;

бошқа тиббиёт муассасаларига мажбурий госпитализация қилиш тўғрисидаги ишлар;

вояга етмаган ёки суд тартибида муомалага лаёқатсиз деб топилган шахс ҳаётини сақлаб қолиш учун зарур бўлган тиббий аралашувдан қонуний вакил бош тортганда, уларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш;

вояга етмаган шахсни ички ишлар органлари ҳузуридаги вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун вақтинчалик сақлаш марказига жойлаштириш ва муддатни узайтириш;

вояга етмаган шахсни ёпиқ турдаги махсус таълим-тарбия муассасасига жойлаштириш, муддатни узайтириш, муддатидан олдин чиқариш, бошқа муассасага ўтказиш, муддатни тиклаш, ёки мажбурий тиббий текширувдан ўтказиш.

Олимларнинг фикридан ҳам кўриш мумкинки, Россия қонунчилигида ҳам судга тааллуқлилиқ масаласида мунозарали ҳолатлар мавжуд. Чунки, фуқаролик ва маъмурий судлар ўртасидаги тааллуқлилиқ масаласининг аниқ чегараси мавжуд эмас.

Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКнинг 26, 27-моддалари билан қиёсий таҳлил этилганда, бир-бирига ўхшаш нормаларни кузатсакда, бироқ, РФ маъмурий қонунчилигида оммавий ҳуқуқий низоларга дахлдорлигига мунозарали ҳолатларни учратиш мумкин. Масалан, вояга етмаган шахсни ички ишлар органлари ҳузуридаги вояга етмаган ҳуқуқбузарлар учун вақтинчалик сақлаш марказига жойлаштириш ва муддатни узайтириш ҳамда вояга етмаган шахсни ёпиқ турдаги махсус таълим-тарбия муассасасига жойлаштириш, муддатни узайтириш, муддатидан олдин чиқариш, бошқа муассасага ўтказиш, муддатни тиклаш, ёки мажбурий тиббий текширувдан ўтказиш каби низоли масалаларда мансабдор шахс қарор қабул қилиши учун вояга етмаган шахсларнинг яқин қариндошларининг мурожаатлари мавжуд бўлиши мумкин. Миллий қонунчиликда бу каби ишлар жиноят судлари ваколатига берилган.

РФ маъмурий қонунчилигининг ижобий жиҳатларидан бири маъмурий судларга тааллуқли ишлар тоифаси аниқ кўрсатилганлиги алоҳида таъкидлаш лозим. Ўзбекистон Республикаси МСТЮТда ҳам маъмурий судга тааллуқли ишлар санаб кўрсатилган бўлсада, баъзи мунозарали жиҳатлари ҳам мавжуд. Масалан, ушбу Кодекснинг 272-моддасида кўрсатилган рақобат тўғрисидаги ишлар (рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган, маъмурий суд судловига тегишли низолар ҳисобланади) маъмурий судлар томонидан кўриб чиқилсада, худди шу каби норма ИПКнинг 25-моддасида ҳам ушбу Кодекснинг 302-моддасида кўрсатилган рақобатга оид ишлар (юридик шахслар, шу жумладан чет эл юридик шахслари, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ҳамда монополияга қарши орган ўртасида товар ва молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган низолар рақобатга оид ишлар жумласига киради) иқтисодий судлар томонидан кўрилиши белгиланган. Назаримизда, ушбу норма талаблари деярли бир хил мазмунда акс эттирилган бўлиб, маъмурий ва иқтисодий судлар ўртасида рақобат тўғрисидаги ишларнинг аниқ чегараси белгиланиши лозим. Шу сабабли ҳам МСИЮТКнинг 272-моддасини қуйидаги мазмунда янги тахрирда баён қилиш лозим, яъни «рақобат тўғрисидаги ишлар бўлиб юридик шахслар, шу жумладан чет эллик юридик шахслар, хўжалик бошқаруви органлари, якка тартибдаги тадбиркорлар ва монополияга қарши орган ўртасида оммавий ваколатларни амалга ошириш доирасида қабул қилган ҳуқуқий аҳамиятга эга ҳужжатлари, қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги), монополияга қарши орган томонидан қонунга мувофиқ қўлланилган маъмурий (жарима, ундирув, рухсатнома беришдан бош тортиш ва ҳ.к.) чоралари, товар ҳамда молия бозорларида рақобат соҳасидаги муносабатлардан келиб чиқадиган оммавий ҳуқуқий низолар маъмурий суд судловига тааллуқли ҳисобланади».

Шунингдек, РФ маъмурий қонунчилигининг ижобий жиҳатларидан бири фуқароларнинг бузилган ёки низолашилаётган ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини, ташкилотларнинг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ маъмурий ишлар, шунингдек, давлат ёки бошқа оммавий ваколатларнинг қонунийлиги ва асослилиги устидан суд назоратининг мавжудлигидир. Ўзбекистон Республикасида ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 28 январдаги «2022 — 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида» ПФ-60-сонли Фармони билан тасдиқланган илованинг 15-мақсадида маъмурий судларда мансабдор шахсларнинг қарорлари устидан берилган шикоятларни кўриб чиқиш

тизимини такомиллаштириш орқали суд назоратини қўллаш соҳасини кенгайтириш юзасидан вазифалар белгиланган.

Қозоғистон Республикаси (кейинги ўринларда ҚР деб аталади). ҚР 2020 йил 29 июндаги Маъмурий Тартибот-Процессуал Кодекси [3] (МТПК деб аталади) маъмурий судлар томонидан оммавий-ҳуқуқий низоларга тааллуқли ишлар кўриб чиқирилиши белгиланиб, ушбу давлат қонунчилигининг асосий эътибор қаратилиши лозим бўлган жиҳатларидан бири ҳар бир ҳудудда маъмурий судлар ташкил этилиб, давлат органлари ва мансабдор шахслар ҳаракатлари устидан шикоятларни кўриб чиқади.

Мазкур кодекс фуқаролар ва бизнес субъектларининг давлат органларининг ҳар қандай «маъмурий акти» ёки ҳаракати (ҳаракатсизлиги) устидан судга шикоят қилиши ҳуқуқини таъминлайди. Аҳамиятли жиҳати, ҚР «Маъмурий тартиблар тўғрисида»ги қонуни ва «Юридик ва жисмоний шахслар мурожаатларини кўриб чиқиш тўғрисида»ги қонунлари бирлаштирилиб, ягона кодекс қабул қилинди. Кодекс бир вақтнинг ўзида маъмурий идоралар фаолиятини ҳам тартибга солади.

Маъмурий суд ишларини юритиш ихтисослаштирилган туман ва уларга тенглаштирилган маъмурий судлар томонидан амалга оширилади. Маъмурий суд ишларини юритиш тартибида судларга МТПКда назарда тутилган оммавий-ҳуқуқий муносабатлардан келиб чиқадиган низолар тегишлидир.

ҚР МТПКнинг (102-моддаси) миллий қонунчилигимиз билан ўхшаш жиҳатларидан бири ихтисослаштирилган туманлараро маъмурий суди Қозоғистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодексининг 27-моддаси 1–2 қисмларида кўрсатилган инвесторларнинг даъволарини маъмурий органлар, мансабдор шахслар томонидан қабул қилинган маъмурий актлар, маъмурий ҳаракатлар (ҳаракатсизлик) устидан берилган низоларни кўриб чиқади [3]. Ўзбекистон Республикаси миллий қонунчилигига мувофиқ эса инвестициявий низолар маъмурий ва иқтисодий судларга тааллуқлидир.

Қозоғистон Республикасида маъмурий суд ислохотлари натижасида 2025 йил 1 июнь кунидан маъмурий ишлар бўйича кассация шикоятларини беришнинг янги тартиби кучга кирди [4]. Ушбу ўзгаришлар суд тизимини янада такомиллаштиришга, кассация иш юритувини оптималлаштиришга ва фуқаролар ҳамда ташкилотларнинг ҳуқуқларини самарали ҳимоя қилишга қаратилган.

Бундай суд ислохотлари бошқа мамлакатларда кузатилаётган тенденцияларга мос бўлиб, маъмурий судга тааллуқли ишларни кўриб чиқиш самарадорлигини оширишга ва ягона суд амалиётига эришишга қаратилган. Қозоғистонда ҳудудлараро кассация судларининг ташкил этилиши суд қарорларини мустақил қайта кўриб чиқиш ва

тежамкорликка олиб келади. Бу каби амалиётни РФ ва Германия қонунчилигида ҳам кузатиш мумкин.

Арманистон Республикасининг Маъмурий суд ишлари юритиш кодекси (кейинги ўринларда АР МСИЮТК деб аталади) 2013 йил 5 декабрда [5] қабул қилинган бўлиб, ҳар қандай жисмоний ёки юридик шахс ушбу Кодексида белгиланган тартибда маъмурий судга мурожаат қилиш ҳуқуқига эга, агар у давлат органи ёки маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органи ёки унинг мансабдор шахсининг маъмурий акти, ҳаракати ёки ҳаракатсизлиги натижасида:

унинг Арманистон Республикаси Конституцияси, халқаро шартномалар, қонунлар ва бошқа ҳуқуқий ҳужжатларда мустаҳкамланган ҳуқуқ ва эркинликлари бузилган ёки бевосита бузилиши мумкин деб ҳисобласа, жумладан, агар:

а) ушбу ҳуқуқ ва эркинликларни амалга оширишга тўсқинлик қилинган бўлса;

б) ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш учун зарур бўлган шарт-шароитлар таъминланмаган бўлса, ҳолбуки улар Конституция, халқаро шартнома, қонун ёки бошқа ҳуқуқий ҳужжат асосида таъминланиши шарт бўлган;

унга ноқонуний равишда қандайдир мажбурият юклатилган бўлса;

у маъмурий тартибда ноқонуний равишда маъмурий жавобгарликка тортилган бўлса (3-модда).

Бевосита АР МСИЮТКнинг 3-моддасига асосан маъмурий судга маъмурий органлар ёки мансабдор шахслар ҳам мурожаат қилишлари мумкин:

жисмоний ёки юридик шахсни маъмурий жавобгарликка тортиш тўғрисидаги талаб агар қонунда маъмурий жавобгарликка тортиш фақат суд ваколатига берилган бўлса;

маъмурий судга жисмоний ёки юридик шахсларни маълум ҳуқуқларидан маҳрум қилиш ёки уларга муайян мажбуриятларни юклаш ҳақидаги талаб тааллуқли бўлса;

тааллуқлилиқ масаласида бошқа маъмурий органнинг ваколати юзасидан низо бўлса.

АР МСИЮТКга асосан маъмурий судлар томонидан қуйидаги оммавий-ҳуқуқий низолар кўриб чиқилади:

- маъмурий судга давлат органлари ва маҳаллий ўзини ўзи бошқариш органлари ҳамда уларнинг мансабдор шахсларининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатлари устидан шикоятлар (Арманистон Республикаси Президенти, Арманистон Республикаси Ҳукумати, Арманистон Республикаси Бош вазири, идоралар томонидан чиқарилган норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, шунингдек муниципал кенгаш ва муниципалитет раҳбарининг норматив-ҳуқуқий ҳужжатларини улардан юқори юридик кучга эга норматив ҳужжатларга (Конституциядан ташқари) мувофиқлиги устидан шикоятлар);

- йиғилиш ўтказиш билан боғлиқ муниципалитет раҳбарининг қарорлари ва ҳаракатлари устидан шикоятлар (йиғилишни чекловлар билан ўтказиш ҳақида муниципалитет раҳбарининг қарори қонунийлигини шикоят қилиш ишлари; йиғилишни тақиқлаш ҳақида муниципалитет раҳбарининг қарори қонунийлигини шикоят қилиш ишлари; йиғилиш ҳақидаги хабарномани маълумот учун қабул қилиш қонунийлигини шикоят қилиш ишлари.);

- сайлов ҳуқуқини ҳимоя қилиш билан боғлиқ ишлар;

- суд тартибида маъмурий жавобгарликка тортиш ишлари бўйича;

- лицензия билан боғлиқ ваколатли орган қарорлари қонунийлигини шикоят қилиш ишлари бўйича;

- нотариусларнинг хатти-ҳаракатларини ҳақиқий эмас деб топиш тўғрисидаги ишлар бўйича.

АР МСИЮТКнинг ижобий жиҳатларидан бири, кодекс ва соҳавий қонунлар орқали маъмурий акт, мансабдор шахсларнинг ҳаракат ёки ҳаракатсизлиги устидан суд назоратининг белгиланганлигидир.

Миллий қонунчилик билан таққосланганида Ўзбекистон Республикаси МСИЮТКда маъмурий судларга тааллуқли ишлар тоифаси кенглигини кузатиш мумкин. Бу эса фуқароларнинг ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилишга кенг имконият беради. МСИЮТКнинг 184-моддасида маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш тўғрисидаги ишлар суд томонидан кодексда белгиланган қоидалар асосида кўриб чиқилади. Ўзбекистон Республикаси МСИЮТК билан қиёсланганида маъмурий органларнинг ва фуқаролар ўзини ўзи бошқариш органларининг, улар мансабдор шахсларининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) билан боғлиқ маъмурий судга тааллуқлили ишлар тоифаси АР МСИЮТКда бу тоифадаги ишлар кўлами кенглигини учратамиз, яъни Арманистон Республикаси Президенти, Арманистон Республикаси Ҳукумати, Арманистон Республикаси Бош вазирининг қарорлари, ҳаракатлари (ҳаракатсизлиги) устидан шикоят қилиш мумкин. Ўзбекистонда эса Ўзбекистон Республикаси Президенти фармонлари, қарорлари ва фармойишларининг, ҳукумат қарорларининг Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига мувофиқлигини аниқлаш Конституциявий судга тааллуқлидир.

Германия Федератив Республикаси (кейинги ўринларда ГФР). ГФР маъмурий суд тизими тарихийлиги ва ривожланган моделлардан бири сифатида намоён бўлади. Кўпгина Марказий Осиё ва бошқа қатор давлатлар ГФР тажрибаси асосида маъмурий қонунчилигини ривожлантириб келмоқда. ГФРда маъмурий суд ишларини юритиш бўйича

хукукий асос – Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Федерал кодекс (Verwaltungsgerichtsordnung – VwGO) ҳисобланади. Ушбу кодексга мувофиқ, маъмурий судлар алоҳида мустақил суд тармоғи сифатида фаолият юритади ва давлат ижроия идораларидан ташкилий жihatдан ажратилган ҳолда одил судловни амалга оширади.

ГФР Конституцияси (Асосий қонуни)га мувофиқ, суд ҳокимияти федерал ва ер (штат) даражасида бир неча тармоқларга бўлинади. Жумладан, ГФРда умумий судлар (жиноят ва фуқаролик ишлари бўйича) билан бир қаторда тўртта ихтисослашган суд тармоғи мавжуд: маъмурий, солиқ (солик), меҳнат ва ижтимоий судлар. Ҳар бир тармоқнинг ўзининг юқори кассация суди мавжуд бўлиб, маъмурий судлар учун бундай олий орган — Федерал Маъмурий Суд (Bundesverwaltungsgericht) ҳисобланади. ГФРда маъмурий судлар оддий (умумий) судлардан институционал жihatдан ажратилган мустақил тармоқ сифатида фаолият кўрсатади. Асосий қонуннинг талабларига мувофиқ, ижро ҳокимияти билан хусусий шахслар ўртасидаги ҳар қандай низо албатта мустақил суд томонидан кўриб чиқилиши лозим ва маъмурий идоралар ҳузурида махсус «маъмурий трибунал»ларни ташкил этишга йўл қўйилмайди. Бу тамойил маъмурий адолатнинг мустақиллиги ва ҳолислигини конституция даражасида кафолатлайди. Германия маъмурий суд тизими уч поғонали тузилмага эга. Биринчи инстанция — маъмурий судлар (Verwaltungsgerichte) бўлиб, одатда ҳар бир федераль ер (вилоят)да бир нечта туманларни қамраб олган ҳолда фаолият юритади. Маъмурий судлар давлат органларининг қарорлари ва ҳаракатларига нисбатан даъволарни аввал бошланғич тарзда кўриб чиқиб, далилларга баҳо беради ва қарор қабул қилади. Иккинчи поғона — юксак маъмурий судлар (Oberverwaltungsgerichte ёки Verwaltungsgerichtshof) бўлиб, улар апелляция тартибида биринчи инстанция маъмурий судлари қарорларини қайта кўради. Германиянинг ҳар бир ер (штат) ҳудудига биттадан юқори маъмурий суд тўғри келади ва улар ҳудудий апелляция суди вазифасини бажаради. Учинчи, энг юқори поғона — Федерал Маъмурий Суд бўлиб, у фақат ҳукукий масалалар бўйича кассация инстанцияси сифатида ишлайди. Федерал суд одатда фактик ҳолатларга қайтарма баҳолаш бермайди, балки қуйи судлар қонунни тўғри татбиқ этган-этмаганини текширади ва ягона суд амалиётини таъминлайди. Фақат айрим истисно ҳолларда, муҳим умуммиллий аҳамиятга эга маъмурий ишлар бевосита Федерал Маъмурий Судда биринчи ва охириги инстанция сифатида кўрилиши мумкин (масалан, йирик автотрассалар қурилишига доир бахслар) [6].

Германия маъмурий судларининг ваколат доираси жуда кенг ва улар деярли барча турдаги давлат бошқаруви соҳаларидаги низоларни қамраб олади. Маъмурий судлар ҳар қандай давлат идораси томонидан қабул қилинган ҳукукий маъмурий ҳужжатларнинг қонунийлигини текширади, шу жумладан, шаҳарсозлик ва рухсат беришдан тортиб,

миграция ва фуқаролик ҳолати масалаларига. Маъмурий судларнинг асосий вазифаси – давлат органлари ҳаракатларининг қонунийлигини назорат қилиш ва фуқароларнинг ҳуқуқларини давлатга нисбатан ҳимоя қилишдан иборатдир. Масалан, Германия маъмурий судлари маҳаллий ҳокимият қарорларига шикоятлар, давлат лицензиялари берилишини рад этиш, солиқ ёки санитария назорати каби соҳаларда қабул қилинган идора қарорлари устидан даъволарни кўриб чиқади. Шу орқали, маъмурий судлар фуқароларнинг давлат билан боғлиқ низоларда қонуний манфаатларини муҳофаза қилади ҳамда давлат бошқарувининг қонун устуворлигига амал қилишини таъминлайди.

Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Федерал кодексининг 40-параграфи 1-қисмида маъмурий судларга тааллуқли ишлар доирасини кўриш мумкин. Унга мувофиқ, «маъмурий судда конституциявий аҳамиятга эга бўлмаган барча оммавий-ҳуқуқий низолар кўрилади, федерал қонун билан бошқа судга тааллуқли эканлиги белгиланган ишлар бундан мустасно. Федерал ер ҳуқуқига оид оммавий-ҳуқуқий низолар ер қонуни билан ҳам бошқа судга тааллуқли қилиб берилиши мумкин» [7] деб белгилаб қўйилган. Демак, хусусий ҳуқуқ соҳасига доир бўлмаган ва конституциявий органлар ўртасидаги низоларга кирмайдиган ҳар қандай оммавий-ҳуқуқий муносабатлар маъмурий судлар ваколатига тааллуқли ҳисобланади.

ГФР Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги Федерал кодексида маъмурий судларга тааллуқли низоларни аниқ санаб ўтиш усулидан воз кечилган. Бу жараёни немис ҳуқуқшунос олимлари, бундай умумий норма фуқаролар ҳуқуқларининг давлатнинг қайси шаклдаги ҳуқуқий ҳаракати билан бузилганидан қатъи назар, суд орқали ҳимоя қилиш ҳуқуқи кафолатланишини таъкиллайди. Ҳақиқатдан ҳам даъво ариза қайси шаклдаги давлат таъсирига (маъмурий ҳужжат – ҳуқуқий акт, идоранинг фактик ҳаракати ёки норматив ҳужжатга) қарши йўналтирилганидан қатъи назар, агар у оммавий ҳуқуқ муносабатлардан келиб чиққан бўлса, маъмурий суд томонидан кўриб чиқилишини таъминлайди.

ГФРнинг юқоридаги кодекси маъмурий судлар юрисдикцияси учун юқоридаги умумий қоидадан ташқари, баъзи истиснолар ҳам назарда тутди. Аввало, конституциявий ҳуқуқий низолар (масалан, парламент каби юқори конституциявий органлар ўртасидаги баҳслар) маъмурий эмас, балки конституциявий судлар томонидан ҳал этилади. Шунингдек, қонунчилик муайян соҳадаги оммавий-ҳуқуқий низоларни бошқа ихтисослаштирилган судларга тааллуқли эканлигини белгилайди. Масалан, Германияда солиқлар ва божхонага доир баъзи низолар молиявий судлар тармоғига, ижтимоий таъминотга доир низолар ижтимоий судларга тааллуқли этиб белгиланган. Кодекснинг 40-параграф 2-қисмига мувофиқ, давлат томонидан етказилган моддий зарарни ундириш каби айрим талаблар умумий (фуқаролик) судларда кўрилади [8].

Кодекснинг 40-моддаси маъмурий суд тааллуқлигини белгилар экан, у мазкур низолар доирасини «оммавий ҳуқуқий низо» тушунчаси орқали белгилайди.

Тадқиқотимиз давомида кодекс нормалари таҳлили шуни кўрсатдики, манфаатдор шахс маъмурий судга мурожаат қилишидан олдин албатта маъмурий тартибда шикоят қилиши лозим бўлади. Бундан кўринадики, ГФРда шикоят қилиш тартиби икки босқичда олиб борилади: маъмурий тартибда, судга даъво тартибида амалга оширалади. Бундан ташқари, кодексда судлар фуқаронинг муайян ҳуқуқи бузилган-бузилмаганини аниқлашга ва бузилган бўлса, уни тиклашга асосий эътибор қаратади. Бу эса судларга маъмурий қарорларнинг қонунийлигини текшириш баробарида, қарорнинг фуқарога асоссиз таъсир қилмаганлигини, маъмурий орган ўз ваколати доирасидан чиқмаганини ва дискреция (тахмин) ҳуқуқини суиистеъмол қилмаганини ҳамда суд назоратини амалга ошириш имконини беради.

Хулоса. Маъмурий судга тааллуқли ишларни ҳал этиш бўйича юқоридаги давлатлар тажрибасидан келиб чиқиб хулоса қилиш мумкинки, давлат органлари ва мансабдор шахслар қарорлари устидан самарали суд назорати ўрнатиш – фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини кафолатлаш, давлат бошқарувида қонунийлик ва шаффофликни таъминлашнинг таркибий қисми ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам кейинги ислохотлар жараёнида маъмурий судлар фаолиятини такомиллаштириш, суд назорати қамровини кенгайтириш ва фуқароларнинг давлатга бўлган ишончини оширишга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги таъкидлаш лозим.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Кодекс административного судопроизводства Российской Федерации от 8 марта 2015 г. N 21-ФЗ <http://pravo.gov.ru/>
2. Соловьёв А.А., Огнева К.О. К вопросу о рассмотрении гражданского иска в административном деле. // Административное право и процесс. 2020. №5. С.- 37.
3. Административный процедурно-процессуальный кодекс Республики Казахстан (Кодекс Республики Казахстан от 29 июня 2020 года № 350-VI.), <https://adilet.zan.kz/rus/docs/K2000000350>
4. Закон Республики Казахстан от 21 ноября 2024 года № 136-VIII «О внесении изменений и дополнений в некоторые законодательные акты Республики Казахстан по вопросам реформирования судебной системы и совершенствования процессуального законодательства». <https://adilet.zan.kz/rus/search/docs>.
5. Кодекс Административного судопроизводства Республики Армения. Принят 05.12.2013 // <http://www.parliament.am/legislation.php?sel=show&ID=4837&lang=rus>

6. Янгибоев Н.Қ., Хурсанова З.А. Ўзбекистонда маъмурий судлар: миллий тизим ва ривожланган мамлакатлар тажрибаси таҳлили. International scientific journal. «MODERN SCIENCE AND RESEARCH». VOLUME 4 / ISSUE 6 / UIF:8.2 / MODERNSCIENC. 2025., 1282-б.

7. https://www.gesetze-im-internet.de/vwgo/__40.html

8. https://www.gesetze-im-internet.de/vwgo/__40.html